

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 64 (5668).

1
АПРЕЛЬ
ПАЙШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЧИГИТ ЭКИШ ҚИЗГИН

ЧИНОЗ. [Ўз муҳбиримиздан]. Чиноздаги Энгельс номи колхозининг Мавлон Аширқалиев бошлиқ бригада ерлари. Абдураим Жонтиликев бошқариб бораётган тракторнинг орқасидан бригадир, колхоз бош бухгалтер Жандарбек Бўрибоев кузатиб бормоқдалар. Улар чигит қанча чуқурликка ташланганини, чигит ораллиқларини текшириб кўра эдилар. Чунки бу колхоздаги ҳамма ерга уяларга белгиланган миқдорда уруғ ташлабдиган селла билан тўқсан чигит экилмоқда. Чигит экиш билан бир вақтда ерга минерал ўғит солиниб, ёввойи ўт қарши гербицид сеппилэтир.

— Утган йилги ҳаво қуруқ келганидан гербициднинг нафси бўлмади. Шу тўғрисида кўчат сийрак бўлди. Колхозимизда халқ хўжалик лави бажарила-ди. Бунга қисман иш сифатига эътибор берилмагани ҳам сабаб бўлди. Бу йил ҳар қайси бригадига бухгалтерия ходимлари бирктирилган. Улар қилинган ишларнинг сифатини, миқдорини ўз кўзлари билан кўриб, қабул қилдилар,— деди Бўрибоев.

Бир томонда чигит экилаётган бўлса, иккинчи томонда ҳар жой-ҳар жойга уюлиб кўйилган гўзалроқ, ёввойи ўт илдизларини колхозчилар ерининг четига чиқариб ташламоқдалар.

«Партия XXI съезди» совхозда ҳам экиш қизиб бормоқда. Бу хўжаликнинг ерлари, айниқса, кия паст-баланд едилардан иборат. Совхоз ишчилари пландаги 24 ўринга 35 центнердан ҳосил етиштириш ниятида чигит экишни бошлаб юбордилар. Нарзиқул Бўрибоев бошлиқ бригада аъзолари 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар.

— Кун яхши исмига тўрибди. Лекин қачон иср экан деб пойлаб турш ҳам бўлмади. Чигит экиш вақти келди. Эрта экисанг эрта оласан, деган гап бор.— деди совхознинг бош агрономи Шариф Алмаев.

Биргина бу хўжаликларда эмас, бошқа хўжаликларда ҳам деҳқонлар чигит экишни бошлаб юборишди.



ЯНГИЙЎЛ районидаги «Коммунизм» колхозини миришқорлари бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шу кунларда колхозда чигит экиш ишлари қизитиб юборилди. Суратларда: (чапдан) экиш олдидан ерга минерал ўғит солинимоқда. Халқ назоратчиси П. Дадабоев, бригадир А. Елубов ва селлачи А. Юсуповлар уруғлик чигитнинг сифатини текширмоқдалар. Колхознинг 7-бригада И. Глазберзон ва В. Сироткин фотолари.

САБЗАВОТКОРЛАР БУРЧИ

ЯНГИ Беш йилликда областимиз қишлоқ хўжалигини меҳнаткашлари юксак марраларни белгиледилар. КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездида бу марралар янги ва равшан белгилар берилди.

Ушунинг беш йилликда пахта етиштиришни янада кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотларининг мўл-кўллигини таъминлаш билан бирга, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари меҳнаткашлари сингари сабзавотчилар, поллизчилар, соҳио-корлар олдига ҳам катта вазифалар турибди.

Областимиз эконоомиаси, халқ хўжалигини йил сайин юксалмоқда. Турмуш маданияти ўсган сари аҳолининг соғин ҳам ошиб бормоқда. Тошкент шаҳри ва областимизнинг бошқа шаҳарларида 2,5 миллионга яқин аҳоли яшайди. Яқин йилларда эса уларнинг соғин 3 миллионга етади. Бу эса деҳқонларнинг олдига чорвачилик, сабзавот, мова-поллиз маҳсулотларини тобора кўпроқ етиштириш вазифасини қўяди.

Бунинг яхши тушунган деҳқонларимиз илгор тажриба ва фан ютуқларини кенг қўллаиб, барча имконият ва резервларини ишга солиб, йилдан-йил яхши натижаларга эришмоқдалар. Утган йили областимизда ҳар гектар ердан ўртача 193 центнердан сабзавот ҳосили олинди.

Илгор хўжаликлар эришган муваффақиятлар сабзавотчиларда янада янги марраларни эгаллашдан далолат беради. Калинин районидаги «Бўсуб» совхозда помидордан рекорд ҳосил олинмоқда. Охангарон районидаги Ворошилов номи совхозининг ўртоқ Т. Назарова бошлиқ сабзавоткорлари эса ўтган йили ҳар гектаридан 610 центнердан ошириб помидор ҳосили кўтардилар.

Бўстонлик районидаги Жданов номи, Тошкент районидаги «Ленин йўли», Карл Маркс номи, Навоий номи колхозлар сабзавоткорларининг ишлари ҳам ибратлидир. Бу ва бошқа хўжаликларда кейинги йилларда картошкачиликни ривожлантириш соҳасида бир мунча ютуқлар қўлга киритилди. Областимизда гектаридан 15 тонна ва ундан ошириб картошка ҳосили олаётган бригада ва звенолар кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳолдир.

Областимиз сабзавоткорлари, боғбонлари, картошкачилари ва соҳибкорлари бу йил маҳсулот етиштиришни ва давлат сотишни кўпайтириш юзасидан эҳтишомларга юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқиб ўзини-ўзини социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Эртаги қарам, редиска ва резавор экинларни экиш муваффақиятли тугалланди. Шунингдек, сабзавот ва картошка экиш ва қўчатларни ўтказиш ишлари ҳам тугалланди, деб қолди.

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозини аъзолари баҳорги дала ишларини муваффақиятли аяқлаш, 1976 йил апрель-май ойларида ишни намунали ташкил этиб, қишлоқ хўжалиги экинлари экиш ва гектарларнинг тўлиқ бўлишини таъминлаш юзасидан тадбирлар белгиледи. Бу тадбирлар областия партия комитети томонидан маъқулланди. Ҳамма ерда дала ишларини илгорларнинг тажрибалари ва тадбирлари асосида ташкил этиш лозим.

Район партия ва совет ташкилотлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари, мутахассислар, аввало сабзавот маҳсулотлари турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида таълим-руҳийлик ишлари керак. Уртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган Ўқитиб бериш доққидида «Канд лавлагин, пахта, сабзавот, мева етиштиришда катта ўсишга эришиш керак. Бу ўринида «майда иш» йўли. Картошка пилзанин уринини, помидор

шарбати эса ўсимлик ёғинини ўринини босмайдн. Совет ки-шисининг дастурхонида ҳамма нарса мўҳайе бўлиши лозим. Бунинг таъминлаш эса қишлоқ хўжалигини ҳодимларининг бурчи-дир» деб таъкидлади.

Партиямиз белгилаб берган вазифаларини бажариш учун пахтачилликда бўлган каби сабзавотчилликда ҳам ҳали талай-гиз ишлар амалга оширилиши керак. Бу соҳада фойдаланилмаётган резервлар, имкониятлар аниқгина бор. Масалан, ўтган йили областимиз бўйича гектаридан 81 центнердан картошка олинди. Айрим хўжаликларда эса ҳосилдорлик бундан ҳам паст бўлди. Уларда агротехника қондаларини бузилаётганлиги, ер—сув, иқлим шароитига мувофиқ келадиган навлар танлаб экилмаётганлиги, кўчат тақриб ва уруғ танлаш, саралаш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги тўғрисида ана шундай камчиликлар содир бўлмоқда. Халқимиз уруғ сара бўлса, ҳосил мўл, барқали бўлади, деб бежиз айтмаган. Сабзавот ва картошкачиликни ривожлантириш — бу экинлардан юқори ва бақардор ҳосил олишнинг муҳим резерви — уруғчилик ва селекция ишларини тўғри йўлга қўйишдан иборатдир.

Областимизда бу соҳада бир мунча ишлар қилинди. Сабзавот, картошка уруғчилигини етказиб беришга ихтисослаштирилган хўжаликлар ишлаб турибди. Шунга қарамастан, уруғчилик ишларини яхшилаш учун кўрилатган тадбирлар қаноатланарли эмас. «Сортсевош» уруғчилиги бўлган талабни тўла қондир олаётди. Хўжаликларда етиштирилиб, тайёрланаётган уруғчилик эса етарли миқдорда эмас ва ўз ичига, талабни тўла қондир олаётди. Бунинг оқибатида кўп ҳолларда озми-овқат эҳтиёжи учун четдан келтирилатган картошкадан уруғлик сифатида фойдаланишга тўғри келмоқда. Ваҳоланки, бундан картошкаларда навлар аралашиб кетган бўлади, улардан мўлжалдаги ҳосилни олиш мушкулдир. Колхоз ва совхозларнинг сифатли уруғ билан таъминлашда мутахассислар, қишлоқ хўжалиги орталари, илгирли-тадиқот маҳсулотларининг роилини ошариш лозим.

Сабзавотчилликда ҳам пахтачилик сингари механизация кенг жорий қилинишига эришиш, маҳалла ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш керак. Теплица хўжаликларини ишнинг тақомиллаштириш — аҳолини йил бўйи сабзавот билан таъминлаш имкониятини беради.

Тошкент областия партия комитети бюроси қарори билан сабзавотчилик, картошкачилик, поллизчилик, уруғчилик ва боғдорчиликдаги илгор тажрибалар, фан-техника ютуқларини ўрганиш, умумлаштириш, кенг оммалаштиришга ишга ма-лакали раҳбарлик қилиш мақсадида сабзавотчилар, поллизчилар, картошкачилар, соҳибкорларнинг обасте кенгаши ташкил этилди. Сабзавотчилар олдига турган шароити, масъу-лиятли вазифаларини муваффақиятли бажарилишини таъминлашда бу ишга иштирок роли ва хизмати катта бўлади.

Областия партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюроси йиғилишида сабзавот экиш ишларини тезлаштириш ва мўл ҳосил олишнинг таъминлаш масаласи муҳокама қилинди. Район, партия, Совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг диққат-эътибори ҳар бир хўжаликда сабзавот экишни муваффақиятли аяқлашга, гектарларнинг тўла бўлишини таъминлаш ва сабзавот экинлари парваришини кучайтириш, бегона ўтга қарши курашни авж олдириш, бош-қа агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, иш-нинг сифатига алоҳида эътибор беришга қаратилди. Ана шу асосда тезроқ эртаги сабзавот маҳсулотларини етиштириб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилиш лозимлигини ўқитиладн.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ областия партия комитети ўрта Чирчиқ районидаги ОХУНБОЕВ номи колхозининг экишни муваффақиятли тадбирларини муҳокама этиш ва шу асосида чигит экишни қисқа муддатларда ва юксак савияда ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район илгирли комитетлари, областия қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси,

«Узсельхозтехника» областия бирлашмаси, хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотларида ОХУНБОЕВ номи колхозининг тадбирларини муҳокама этиш ва шу асосида чигит экишни қисқа муддатларда ва юксак савияда ўтказишнинг таъминлашга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланиши тоширди.

Механизаторлар, бригадалар, хўжаликларга социалистик мусобақани ташкил этиш ва бунда асосий эътиборни экишни муваффақиятли ўтказиш, чи-

гитин тўла ва бир текис ундириб олиш ва гўзалнинг биринчи цикли парваришини кучайтиришга қаратиш лозим.

Областия ва район газеталари, радио ва телевидениега чигит экишни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, бир текис ундириб олиш, гўза қатор ерларига ишлов бериш юзасидан хўжаликлар ва районлар ўртасида социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритиш топи-рилди.

ОХУНБОЕВ номи колхоз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришиб, маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришни таъминлаш эҳдида. Тўққизинчи беш йиллик муваффақиятли аяқланди.

Колхоз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланиб ўзинини беш йилликнинг биринчи йили учун юксак мажбурият олдилар.

1976 йилда зиммага олинган мажбуриятни муваффақиятли бажаришда қўлдан келган дала ишларини уюшқонлик билан ўтказиш хал қилувчи шартдир.

Бу йил 5600 тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш таъминлаш этиш учун барча билим, куч, тажриба ва маҳорат қўлдан келган дала ишларини намунали амалга оширишга, экинни энг яхши агротехника муддатларда сифатли ўтказишга, гўза парвариш бунча белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишига сафарбар этмоқ лозим.

Чигитин ерининг намига бир текис ундириб олиш — юқори ҳосил олишнинг энг муҳим факторларидан биридир. Колхоз агротехника совети бу масалани муҳокама қилди. Ма-сумда асосий диққат-эътиборни қишлоқ хўжалиги ишларини тезроқ тугаллашга қаратиш зарур.

Тўпроқда намини сақлаш мақсадида барча майдонларда эрта муддатларда бороналаш

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОЕВ НОМИ КОЛХОЗДА ЭКИШНИ МУВАФФАҚΙΑТЛИ ТУГАЛЛАШ, ЧИГИТНИ БИР ТЕКИС УНДИРИБ ОЛИШ ВА ГЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИГА БИРINCHI ЦИКЛ ИШЛОВ БЕРИШНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАНГАН

ТАДБИРЛАР

ишлари ўтказилди. Бу йил 100 гектар ерга беда, дон учун 27 гектар ерга маккажўхори экиш тугалланди.

«Тошкент—1» навали чигит уруғи ўз вақтида ташиб келтирилиб, тайёрлаб қўйилди. Экин агаргетлари уруғлигини экиб кетадиган ва ерга гербицид соладиган аппаратлар билан ускулланган.

Колхоз меҳнаткашлари 1400 гектар ерга 4010—1 савияда энг қисқа агротехника муддатларда, 6—8 иш кунинда, яъни 10 апрелдан чигит экишни муваффақиятли тугаллаш учун аҳд қилдилар. Ҳар 40—45 гектар ерга битта агрегат ҳисобидан 32 экин агрегати далага чиқарилади. Ҳар бир агрегатга қўшимча равишда яна бир киши контролёр қилиб бириктирилади. 1 гектар ерга 50—60 килограмм (тўқсан-лангирини) уруғлик чигит норма қилиб белгиланган, 4 сантимер чуқурликка экилади.

Еш ниҳолларнинг нормал озиклигини учун яхши шароитлар яратиш мақсадида бу йил барча майдонга экиш билан биригиле гербицидлар ва азот-фосфор ўғитлари солиб

кетилди. 1 гектар ерга 60 килограмм фосфор, 30 кило-грамм аммиак селитраси ҳисо-бидан минерал ўғит солинди. Бу ўғит қатор ёнларидан 5—6 сантимер чикрига, 10—12 сантимер чуқурликка солинди. Суғориш учун эгетлар олиб кетилди.

Экин мавсуми давомида экин агрегатлари ўртасида узаро социалистик мусобақани авж олдиришга. Энг яхши меҳнаткорларга қўшимча соғалар билан биргаликда вимпеллар берилди.

Ҳар бир квадрат метр ердан тўлиқ фойдаланиш, гектарлар-нинг тўла бўлишини таъминлаш учун курашамиз. Ана шу мақсада хўжаликда ортика йўл-лар, эски ариқлар текислаб юборилди.

Барча майдонларда 25 апрелга қадар чигитни тўла ва бир текис ундириб оламиз. Ана шундан сўнг, гўзаларда 2—3 чикриг пайдо бўлиши билан янавалаш ўтказилди. Кўчатларнинг қалинлиги нор-мал бўлиши учун зарур тадбирлар қўрилади. Бу иш 1 майгача тугалланади.

Ниҳоллар кўзга ташланиши билан қатор ораларига иш-лов беришга киришамиз.

Қишлоқ хўжалиги зарарку-ндаларига қарши курашда «комтош» препаратидан фойдаланишимиз. У тут дархатла-рига салбий таъсир кўрсатмайдн.

Бизнинг хўжалигимизда гўза вегетация даврида икки мартаба озиклантирилади. Би-ринчи озиклантириш гўза шо-налай бошлаганда, иккинчи озиклантириш эса гўзали бош-лаганда амалга оширилади. Озиклантириш суғориш билан мувофиқлаштириб олиб бори-лади. Биринчи озиклантириш даврида 1 гектар ерга 90 ки-лограмм азот, 50 килограмм калий солиниди ва бу иш 15 майгача тугалланади. Биринчи озиклантиришдан сўнг дарҳол биринчи суғоришни бошлаб юборамиз.

Хўжалигимизда гўза парва-риши тўла биринчи цикли 20 майга қадар тугалланади.

Колхозчиларга зарур шаро-итларни яратиб бериш учун барча бригадаларда иссиқ ов-қат ташкил этилади.

Дала шийполари шнорлар, плакатлар билан безатилади, радиопримкини ва телеви-зорлар билан таъмин этилади.

БУ ТАДБИР КОЛХОЗЧИ-ЛАРИНИНГ УМУМИЙ ИГИ-ЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИН-ДИ.

ФЕРМАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ТОШКЕНТ районидаги С. Раҳимов номи колхоз чорвалорлари 1976 йил пла-нини муддатидан илгари ба-жариш юзасидан бошланган умумхалқ социалистик мусо-бақасида актив иштирок этиб, дастлабки галабани қўлга киритдилар.

Хўжаликда давлатга гўшт сотиш ярим йиллик плани муддатидан илгари адо этил-ди. Колхоз чорвалорлари давлат қабул пунктларига 10,7 тонна гўшт етказиб бе-ришди.

Гўштга топирилган ҳар бир бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 440—445 кило-граммин ташкил этиди. Қора-молларни тез семиртиришда бурдоқибозлардан Суннат Тўларов, Шоҳалил Шо-маҳмудов, Хошимбой Норме-

товлар энг юқори натижалар-га эришдилар.

Т. ЖҲРАЕВ.

ЯНГИЙЎЛ. «Коммунизм» колхозини сўт-товар фермаси коллективнинг бу йилги ре-жаси янада улкан. Ўтган йи-ли ҳар бир сизгидан 4 минг килограммга етказиб сўт со-ғиб олишга эришган чор-валорлар 1976 йилда бу кўрсаткични 4100 кило-граммга етказишга аҳд қи-лишган. Ўғилрой Улуғжўзе-ва, Мунаввар Отаҳўжаева, Қўмри Абдурахмоновлар эса ҳар бир сизгидан 4400 килограммга етказиб сўт со-ғиб олиш юзасидан шах-сий мажбуриятлар қабул қи-лишган. Айни кунларда улар ўзларига бириктирилган сизгилардан, кунига 190—

210 килограммдан ошириш сўт соғиб олаётдилар.

Х. МИРЗАЕВ.

ПИСКЕНТ. Мингтепа қишлоғидаги 2-сўт-товар фермасида асосан ўрта мак-табни тугаллаб келган ёш-лар меҳнат қилмоқда. Улар Гулан Умарбекова, Шо-моной Исмомилова сингари тажрибали чорвалорлар му-раббийлигида ўзлари севган касбини пухта эгаллаб бор-моқдалар.

Ижобат Муталисовнинг фермага келганига эфтигина бир йил бўлди. У ҳозирда-воқ ўз қарамлигида 17 та сизгидан кунига 120 кило-граммга етказиб сўт соғиб олишга эришайтир. Тўғона-лари Омонқош ва Назира-лар ҳам ундан қолишма-ётлар.

М. МАҲАМАТМУРОВА.

КАНОПЧИЛАР СЕМИНАРИ

КЕЧА Қўш Чирчиқ рай-онидаги Димитров номи колхозда каноп экувчи хўжа-ликлар раҳбарлари ва брига-да бошлиқлари, област дуб-заводлари директорлари, му-тахассисларнинг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семи-нар қатнашчилари ўзининг беш йилликнинг биринчи йилида каноп етиштиришни кўпайтириш ва каноп хом-масы сифатини яхшилаш вазифаларини муҳокама қи-ладилар.

Област канопчилари пар-тия XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, бу йил давлатга 800 минг тон-на юқори сифатли каноп по-яси топириш мажбурияти-тини олдилар.

Семинар ишида Тошкент областия партия комитети-нинг секретари А. И. Ниро-лов, област ижроия коми-тети раисининг ўринбасари Ф. Ф. Елубов ўртоқлар иш-тирок этидилар.

ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Областимизда партия ак-тивларининг йиғилишлари давом этмоқда. Бу йиғилиш-ларда КПСС XXV съезди якунлари ва партия ташки-лотларининг вазифалари му-ҳокама қилинмоқда.

31 март кунн бўлган Чирчиқ шаҳар партия таш-килотини активининг йиғили-ши юксак сифатли кўтариш-килик руҳида ўтди. Актив йиғилишида Тошкент об-ластия партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов нутқ сўзлади.

Буна ва Чиноз районла-

рида ҳам ана шундай йи-ғилишлар бўлиб ўтди. Йиғи-лишларда КПСС XXV съез-ди якунлари ва партия та-шкilotларининг вазифа-лари ҳақида район партия ко-митетларининг биринчи сек-ретарлари Т. Исломов ва К. Б. Мамедовлар доклад қилдилар.

Чиноз район партия таш-килотини активининг йиғили-шида областия партия коми-тетининг аъзоси, Тошкент областия ижроия комитети раисининг ўринбасари Ф. Ф. Елубов нутқ сўзлади.

БЕШЙИЛЛИК ФОНДИГА

Доҳий В. И. Ленин ту-ғилган кунининг 106 йилли-ги шарафига коммунистлик шайбалик ўтказиш тўғриси-даги меҳнатчиларнинг та-шаббусини Тошкент асбоб-созлик заводи коллективини ҳам биринчилар қатори маъ-қуллади.

Шанбаликда жами 850 ки-ши иштирок этади. Корхона бўйича 21 минг сўмлик тур-ли асбоб-ускуналар ишлаб-чиқарилади. Бу кунини маъ-мули ўтказишга қизгин тай-ёргарлик қўриляпти. Илгор ишчилар шу кунини нормала-

рини 140—150 процентга етказиб бажаришга сўз бер-моқдалар. Социалистик Меҳ-нат Қўрамоли, токарь Анатолий Ефимов қувлик нормасини икки баравар ошириб бажаришга ваъда берди ва ҳамкасбларини ҳам шунга даъват этди. Шу-нингдек, пармалоччи Г. Наж-миева, токарь Р. Бағитов ка-би илгорлар ҳам шайбалик-да зарбдорчасига ишлашга аҳд қилдилар.

Шу кунини тушган маола-рини ҳаммаси — 1800 сўм унинг бешйиллик фонди-га ўтказилади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

Т Е З К У Н Д А

ОБЛАСТЬ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОН МАРКАЗЛАРИДАГИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ



«МАҚСАД САРИ»

(2 серия)
Сценарий муаллифлари — Даниил ГРАНИН, Игорь ТАЛАНКИН.
Постановкачи-режиссёр — Игорь ТАЛАНКИН.
Ролларда: Сергей БОНДАРЧУК, Георгий ЖЖЕНОВ, Николай ВОЛКОВ, Ирина СКОБЦЕВА, Алла ПОКРОВСКАЯ, Иван СОЛОВЬЕВ, Яков ТРИПОЛСКИЙ, Михаил УЛЬЯНОВ, Сергей ЮРСКИЙ, Алла ДЕМИДОВА, Иннокентий СМОКТУНОВСКИЙ, Фриц ДИТЦ, Зигфрид ВАНС ва бошқалар қатнашадилар.
Фильм И.В. КУРЧАТОВ БОШЧИЛИГИДАГИ СОВЕТ ФИЗИК-ОДИМЛАРИНИНГ ЖАСОРАТИ, УЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АТОМ БОМБАСИНИ ЯРАТИШГА, ИҚТИСОДИНИ, МУДОФААСИНИ ВА ИЛМИЙ ҚУДРАТИНИ МУСТАҚАМЛАШГА ҚУШГАН ЧЕКСИЗ ҲИССАСИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.
БУ ФИЛЬМ 1975 ЙИЛДА КИШИНЕВДА «ТРАЗИЛАН БУТУНИТИФОҚ» КИНО ФЕСТИВАЛИДА КАТТА МУКОФОТГА САЗОВОР БЭДИ.
«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.



«БУРГУТ ПАРВОЗИ»

Сценарий муаллифи — Александр РОЗИН.
Постановкачи-режиссёр — Виктор ЖИВОЛУБ.
Ролларда: Чорбек ДУМАНАЕВ, Нурмухан ЖАНТУРИН, Р. БИРИ-САНАА, П. ЧИМНТ, Л. И. ГАВРИЛЮК, А. ООРЖАК, В. АРАПТАН, А. БЕСПАЛИЙ ва бошқалар қатнашадилар.
БУ ЛИРИК КИНОФИЛЬМ ЕШ ТУВАЛИКНИНГ ХАЁТГА ҚАДАМ ҚУЙИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.
«СВЕРДЛОВСКИЙ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.



«ЕРУ ОСМОН ЎРТАСИДА»

Сценарий муаллифлари — Михаил БАДИЯНУ, Аркадий ИНИН.
Постановкачи-режиссёрлар — Михаил БАДИЯНУ, Валерий ХАРЧЕНКО.
Ролларда: Всеволод АБДУЛОВ, Виктор ПЕРЕВАЛОВ, Деренж ЯПУНЖАН, Лариса ЕРЕМИНА, Роман ТКАЧУК, Борис МАНГУШ ва бошқалар қатнашадилар.
«МОЛДОВО-ФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«БАХТ ИЗЛАБ»

(Витаутас Бубиснинг «Августинг уч куни» романи асосида)
Сценарий муаллифлари — Марионас ГЕДРИС, Ромас ГУДАИТИС.
Постановкачи-режиссёр — Марионас ГЕДРИС.
Ролларда: Любовь ВИРОЛАЙНЕН, Антанас ШУРНА, Василий ШУРНА, Иева ПАСКЕНЕ, Стасис ПЕТРОНАЙТИС, О. ДМИТРИЕВ ва бошқалар қатнашадилар.
ФИЛЬМ ЛИТВА КИШЛОҚЛАРИДАН БИРИДА ЭСКИ ТУЗУМНИНГ ЕМИРИЛИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.
ЛИТВА КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.




«БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧ»

Сценарий муаллифи — Леван ЧЕЛИДЗЕ (Нана Мечдидзе иштирокида).
Постановкачи-режиссёр — Нана МЕЧДИДЗЕ.
Ролларда: Давид АБАШИДЗЕ, Васо НАДАРИЯ, Ипполит ХВИЧИЯ, Анзор ХЕРХАДЗЕ, Гурам ЛОРДКИПАНДЗЕ, Дмитрий ДЖАЯНИ ва бошқалар қатнашадилар.
БУ КИНОКОМЕДИЯ ГРУЗИН ФУТБОЛИНИНГ БИРИНЧИ ҚАДАМЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.
«ГРУЗИЯ-ФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ОЛТИН МИСОЛИ»

Сценарий муаллифлари — Геннадий КОЛЕДА, Олларберди ХАНДОВ.
Постановкачи-режиссёр — Холмамед КАКБАЕВ.
Ролларда: Ораз ОМОНГЕЛДИЕВ, Анатолий ЯББАРОВ, Ота ДАВЛАТОВ, Таризль КАСУМОВ, Светлана ПЕНКИНА ва бошқалар қатнашадилар.
ФИЛЬМ ТУРКМЕНИСТОНДА БИРИНЧИ БОР НЕФТНИ ҚИДИРГАН ЖАСОРАТЛИ, ҚУРҚМАС КИШИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.
«ТУРКМАНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.



«ҚИРМИЗИ ОЛМА»

(Чингиз Айтматовнинг шу номли ҳикояси асосида)
Сценарий муаллифлари — Чингиз АЙТМАТОВ, Эльга ЛИНДИНА, Толомуш ОКЕЕВ.
Постановкачи-режиссёр — Толомуш ОКЕЕВ.
Ролларда: Суйменкул ЧОКМОРОВ, Гулсара АДЖИБЕКОВА, Таттубюбю ТУРСУНБЕКОВА, Анора МАКЕКАДИРОВА ва бошқалар қатнашадилар.
ФИЛЬМ МУҲАББАТ ВА ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.
«ҚИРҒИЗФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ТОҒДАГИ ҒОР СИРИ»

Сценарий муаллифи — Мақсуд ИБРОҲИМБЕКОВ.
Постановкачи-режиссёр — Лев МИРСКИЙ.
Ролларда: Павел ХЛЕСТИН, Сама ДОНЕЦ, Володя РУДЬКО, Инна ПАЛЕХОВА, Наталья ФАТЕЕВА, Михаил ВОЛКОВ ва бошқалар қатнашадилар.
БУ САРГУЗАШТЛИ ФИЛЬМ УТГАН УРУШ ҚОЛДИҚЛАРИ БИЛАН ТУКНАШ КЕЛГАН МАКТАБ ўқувчилари ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.
М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ БОЛАЛАР ВА ЎСМОНЛАР ФИЛЬМЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ СТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.



«СЕНТЯБРЬ БОШЛАРИДА»

Сценарий муаллифлари — Константин ИСАЕВ, Эдмон КЕОСАЯН.
Постановкачи-режиссёр — Эдмон КЕОСАЯН.
Ролларда: Армен ЖИГАРХАНИЯН, Николай КРЮЧКОВ, Лаура ГЕВОРКЯН, Владимир ИВАНОВ, Антон ИЛЬИН, Наташа ЧЕРНИШЕВА, Иван РИЖОВ ва бошқалар қатнашадилар.
БУ ЛИРИК КИНОКОМЕДИЯ КЕКСА АРМАННИНГ МОСКВАГА КЕЛИШ НАБИРАСИНИ БИРИНЧИ КЛАССГА ҚУЗАТИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.
«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ХАВФЛИ ЎЙИНЛАР»

Сценарий муаллифи ва постановкачи-режиссёр — Велье КЯСПЕР.
Ролларда: Рене УРМЕТ, Свен-Эрик НИЛЬСЕН, Виктор ПЕРЕВЕЙНОС, Юхан ВАЛК, Юрий ЯРВЕТ, Леонард МЕРЗИН, Анте ЭСКОЛА ва бошқалар қатнашадилар.
БУ ФИЛЬМ 1944 ЙИЛДА ЯРАЛАНГАН СОВЕТ РАЗВЕДКАЧИСИНИНГ ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛГАН ЭСТОН БОЛАЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.
«ТАЛЛИНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.




«БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ»

Сценарий муаллифлари — Павел НИЛИН, Иосиф ХЕИФИЦ.
Постановкачи-режиссёр — Иосиф ХЕИФИЦ.
Ролларда: Валерий ЗОЛОТУХИН, Елена ПРОКЛОВА, Людмила ГЛАДУНКО, Владимир ВИСОЦКИЙ, Лариса МАЛЕВАННАЯ, Вячеслав НЕВИННИЙ ва бошқалар қатнашадилар.
«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«АНА ШУ ЧОРРАҲАДА»

Сценарий муаллифи — Манук МАНАЦКАНЯН.
Постановкачи-режиссёр — Карел ГЕВОРКЯН.
Ролларда: Азат ШЕРЕНЦ, Рафаэль САРОЯН, Финландия АСАТЯН, Григор САРАФЯН, Екатерина ДЕМИДЕНКО, Аркадий АИРАПЕТАН ва бошқалар қатнашадилар.



БУ ФИЛЬМ ҚАҲРАМОНЛАРИ ТУРЛИ ТАҚДИРГА ЭГА БУЛГАН ҲАР ХИЛ ХАРАКТЕРЛИ БИР БРИГАДА АЪЗОЛАРИДИР.
«АРМАНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.



«КУЧУКНИ ПАРОВОЗГА АЛМАШТИРАМАН»

Сценарий муаллифлари — Сергей МИХАЛКОВ, Никита ХУБОВ.
Постановкачи-режиссёр — Никита ХУБОВ.
Ролларда: Дима ПЕВЕЛЕВ, Татьяна ДАВРОВА, Виктор СЕРГАЧЕВ, Павел ПАНКОВ, Олег ТАБАКОВ, Дима АЖНИН, Света ВОЛКОВА ва бошқалар қатнашадилар.
БУ ФИЛЬМ МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗ КУЧИГА ИШОНИШ КАБИ ФАЗИЛАТЛАРНИ БОЛАЛИКДАН ТАРБИЯЛАШ ЛОЗИМЛИГИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.
М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ БОЛАЛАР ВА ЎСМОНЛАР ФИЛЬМЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ СТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.



«ЙЎЛБАРС КЕРАК»

Сценарий муаллифи — Юрий ХАРЛАМОВ.
Постановкачи-режиссёр — Батур АРАБОВ.
Ролларда: Ира ФАИЗНЕВА, Рустам СОЛНОВ, Рустам ХОШИМОВ, Гани АЪЗАМОВ, Бурхон РАЖАБОВ, Аро МУҲАММАДЖОНОВ, Махмуд ТОҲИРИЙ, Наталья ВОЛКОВА ҳамда ЖЕНЬКА лақабли кийик ва Маргарита НАЗАРОВАнинг ўргатилган йўлбарс қатнашадилар.
БУ МУЗИКАЛИ ФИЛЬМ ЙЎЛБАРСЛАР, БРАКОНЬЕРЛАР ВА ТАБИАТИНИ СЕВУВЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.
«ТОЖИКИФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.